

**СУРХОН-ШЕРОБОД РАЙОНИДА ОЛИБ БОРИЛГАН БОТАНИК
ТАДҚИҚОТЛАР**
**БОТАНИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ, ПРОВЕДЕННЫЕ В СУРХАН-
ШЕРАБАДСКОМ РАЙОНЕ**
**BOTANICAL RESEARCH CONDUCTED IN SURKHAN-SHERABAD
DISTRICT**

Н.Т. Ачилова - Жиззах политехника институти доценти

Ғ.М.Изтлеуов – Мухтар Ауэзов номли Қозоғистон университети
профессори

N. Achilova - Associate Professor of Jizzakh Polytechnic Institute

G.M.Iztleuov - Professor of Mukhtar Aueзов Kazakhstan University

Аннотация. Мақолада Жануби-Ғарбий Ҳисор округининг Сурхон-Шеробод ботаник-географик районинг географик жойлашуви, иқлими, чегарадош ҳудудлари, унда олиб борилган ботаник тадқиқотлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Сурхон-Шеробод, ботаник-географик район, *Dipsadi turkestanicum*, *Allium rhodanthum*, Хаудак, Какттакум.

Аннотация. В статье представлена информация о географическом положении, климате, приграничных районах Сурхан-Шерабадского ботанико-географического района Юго-западной части Гиссарского уезда, о проводимых в нем ботанических исследованиях.

Ключевые слова: Сурхан-Шерабад, ботанико-географический район, *Dipsadi turkestanicum*, *Allium rhodanthum*, Хаудак, Какттакум

Annotation. The article provides information on the geographical location, climate, and border areas of the Surkhan-Sherabad botanical and geographical region of the Southwestern part of Hissar county, as well as on the botanical research conducted in it.

Keywords: Surkhan-Sherabad, botanical and geographical area, *Dipcadi turkestanicum*, *Allium rhodanthum*, Khaudak, Kaktakum

Сурхондарё вилояти мамлакатимизнинг энг жанубий вилоятидир ва Сурхондарё хавзаси иқлимидаги асосий хусусиятлар яхши ўрганилган бўлиб, баъзи адабиётларда метеостанция маълумотлари қайд этилган. Табиий шароитида Ўрта Осиё иқлимига хос бўлган континентал субтропик кўрсаткичлар учрайди. Континенталлик, қурғоқчилик, ёгин миқдори ва ҳавонинг намлигининг камлиги ҳавзанинг ўзига хос хусусиятларидандир. Асосий ёгин миқдори куз ва қиш фаслида кузатилади. Сурхон-Шеробод водийсида ўртача йиллик ёгин миқдори 154 мм ни ташкил этади.

Ўзбекистонни ботаник-географик жиҳатдан районлаштиришда Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони Жануби-Ғарбий Ҳисор округининг Амударёга қуйиладиган Сурхондарё ва Шерободдарё оралиғида жойлашган Сурхон-Шеробод водийси ва унинг шимолгача (Бойсун тоғларигача) давом этган тоғ олди ҳудудларини ўз ичига олади. Ушбу воҳада қадимдан деҳқончилик ривожланган.

Сурхон-Шеробод хавзаси суғориладиган майдонлари шўрланган, бунга сабаб дастлаб Шеробод дарёси Хўжа Ғур-ғур ота ва Белаут тоғларининг қорлари эришидан ҳосил бўлган (туз ва хлоридларсиз) Турхан дарёсидан бошланади, Шеробод дарёсининг ўрта оқимида бир қанча таркибида туз тутувчи кичик оқимлар келиб қўшилишидан сувнинг шўрланиши кузатилади, кейин Шуроб дарёси сувининг қуйилишидан асосий шўрланиш бошланади. (Шуроб дарёси таркибида кўплаб турли хил минераллар ва тузлар мавжуд). Шеробод дарёси суви водийнинг барча суғориладиган ерларига туз олиб келади, ерларнинг юза қисмида оқ доғлар ҳосил бўлади ва тупроқнинг шўрланишига олиб келади. Ёз ойларида ҳудуднинг жанубий ва жануби ғарбий томонидан иссиқ, қуруқ “афғон”

шамоли эсади, 3-4 кунгача давом этади ва ёз ойларида бир неча маротаба кузатилади.

Помир-Олой тоғлари флорасини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар 140 йилдан ортиқ тарихга эга. Жануби-ғарбий Ҳисор ва унинг атрофидаги ҳудудларда олиб борилган илмий изланишлардаги дастлабки маълумотлар Н.А. Маевга (1875) тегишли. 1875 йилда Н.А. Маев Ўрта Осиёга уюштирилган экспедицияларда иштирок этди ва ўша давргача географларга маълум бўлмаган “Тоғли Ҳисорни” кашф қилди. Саёҳат давомида катта микдорда янги турдаги ўсимлик ва ҳайвонлар коллекциясини тўплади. Коллекциянинг катта қисми Москва университетига топширилган ва ҳозирга қадар сақланиб келмоқда.

1881 йилнинг баҳор ойларидан М. Капю ва Бонвало Ўрта Осиёнинг Помир Олой қисми бўйлаб тадқиқотларни бошлаган. 1881 йил апрел-май ойларида Бойсун ва Шеробод туманлари атрофларида тадқиқотлар олиб боришган. Ҳозирги кунда Бонвало ва Капю томонидан йиғилган гербарий намуналари Париж Миллий Гербарийси (Herbier National de Paris) (P) фондида сақланмоқда. Улар томонидан терилган гербарий намуналаридан фойдаланган ҳолда В.И. Липский *Astragalus kelifi* Lipsky (Келиф, 16 (28) III 1881, n^o342, Carus (P.) турини фанга киритган [1].

XIX аср охирида Марказий Осиёда кенг кўламли тадқиқотлар олиб борган олим А.Э. Регел Ўрта Осиёга уюштирилган йирик экспедицияларга бошчилик қилган. 1881 йилдан бошлаб Термиз-Шеробод-Ғузор йўналишида тадқиқот ишларини бошлаган. 1884-1886 йилларда А.Э. Регел, Муса Махмуд Рўзи билан биргаликда Бойсун шаҳри атрофларидан *Tulipa* L. туркумига мансуб турларнинг пиёзбошларини тўплаган. А.Э. Регель 9 йил давомида Марказий Осиёнинг турли ҳудудларидан 100 000 дан ортиқ гербарий намуналари йиғган.

1927-1930 йилларда А.И. Введенский ва В.П. Бочанцев томонидан Чўлбаир ва Бойсун тоғлари, Оби-дара дарё хавзаси, Бойсун-Денов, Шеробод шаҳарлари атрофларида, Хаудак қумлигида тадқиқот ишлари олиб борилган. Олимлар 3 йил давомида катта микдорда гербарий намуналарини тўплашган. А.И. Введенский йиғилган материаллардан фойдаланилган ҳолда кўплаб турларни фанга киритган, шулардан СШБГР тор эдемлари *Dipsadi turkestanicum* Vved.(1941), *Allium rhodanthum* Vved. (1941).

Худудда олиб борилган тадқиқотларнинг аксарияти ўсимликлар қопламини тадқиқ этишга бағишланган бўлса, айримлари флоранинг инвентаризация қилишга қаратилган. Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони ва унга чегарадош худудларда диссертация мавзулари учун асос бўлган. Булар Л.И. Поповага (1951) ва Т.О.Тургиновга (2017) тегишли.

Сурхон-Шеробод ва унга ёндош бўлган минтақалар бўйича биринчи диссертация иши Л.И. Поповага тегишли. 1940-1941 йиллари Л.И. Попова А.П. Васильковская ва Г.Ф. Протопоповлар билан бирга Бойсун тоғи ва Сурхон-Шеробод паст текисликларидаги ўсимликлар қопламининг ўрганиш мақсадида тадқиқотлар олиб борганлар. Л.И. Попова 1951 йилда “Особенности в поясом распределение растительности Юго-западных отрогов Гиссарского хребта (в пределах Байсунского района Сурхандарьинского области)” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Л.И. Попованинг олиб борган тадқиқоти ўсимликлар қопламига бағишланганлиги учун флоранинг таксономик таркибига эътибор қаратмаган, фақатгина ўсимлик жамоасидаги турларни жамлаб 626 тур борлигини қайд этган. Мазкур худудда 2 йил мобайнида 2 000 ортиқ гербарий намуналари йиғишган ва шу билан бирга Бойсун ва Шеробод туманларига тегишли бўлган худудлардаги ўсимликлар қопламининг харитасини тузган [149; 1-288-б.]. “TASH” фондида

сақланаётган Сурхон-Шеробод ва унинг атрофларидаги ҳудудлардан терилган намуналар орасида Л.И. Попова, А.П. Васильковская ва Г.Ф. Протопоповлар томонидан терилган намуналар салмоқли ўрин туради.

2017 йилда Т.О. Тургинов томонидан “Бойсун ботаник-географик райони флораси” мавзусида диссертация химоя қилган. У ўз тадқиқотлари давомида Бойсун ботаник-географик районининг Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони билан чегарадош ҳудудида *Chenopodiaceae* оиласи вакилларида *Krascheninnikovia*, *Camphorosma*, *Kochia*, *Hammada*, *Halocnemum*, *Salsola*, *Anabasis* кенг тарқалганлиги, мазкур турларнинг асосий қисми Полеарктик ва Қадимийўртаерденгизи синфи ареал типларига мансублиги ҳақида диссертация ишида келтириб ўтган.

2013-2020 йиллар давомида муаллиф томонидан Сурхон-Шеробод ботаник-географик районида ботаник тадқиқотлар давомида мингдан ортиқ гербарий учун ўсимлик намуналари терилди. *Iris rudolphii* F.O.Khass., *Iris victoris* F.O.Khass., *Allium nikolai* F.O. Khass. et Achilova ва *Plocama alshehbazii* F.O. Khass., D. Khamr., U. Khuzh. & Achilova янги тур сифатида фанга киритилди[2,3,4].

Хулоса қилиб айтганда Сурхон-Шеробод ботаник-географик райони табиати, географик ўрни, флораси ва фаунасига кўра алоҳида аҳамиятга эга бўлган минтақа ҳисобланади. Ҳудудда олиб борилган ботаник тадқиқотлар чегарадош ҳудудларда, қисман мазкур минтақада олиб борилган.

Адабиётлар

1. Гончаров Н.Ф. Род *Astragalus* L. – Астрагал. Флора Узбекистана. – Ташкент: АН УзССР, 1955, Т. VI. С. 173.

2. Тургинов О.Т. Диссертация: Флора ботанико-географического района Байсун. 2017.

3. Khasanov F.O., Khuzhanazarov U., Rakhimova N., Esanqulov A., Achilova N. Two new species of *Iris* L. (Iridaceae Juss.) from Uzbekistan// *Stapfiya - Austria* 2013. №99. p. 205-207.

4. Khasanov F.O., Khuzhanazarov U., Khamraeva D.T., Achilova N. New species from genus *Plocama* L. (Rubiaceae Juss.) from Middle Asia// *Stapfiya - Austria* 2014. №101. p. 23-26.

5. Khasanov, K. Tojibaev, N. Beshko, O. Turginov, N. Achilova, U. Kodirov & M. Usmonov SYNOPSIS OF THE GENUS *PLOCAMA* (RUBIACEAE) IN THE FLORA OF UZBEKISTAN// *JOURNAL OF BOTANY* 25 (1), 2019. p. 22-29.